


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ҚОМУСИМИЗ – ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ
КАФОЛАТИ.**

Тошкент – 2018 йил



**Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг қабул қилиниши ва
унинг мамлакат тараққиётида тутган ўрни**





**КОНСТИТУЦИЯ – ЭРКИН ВА ФАРОВОН
ҲАЁТИМИЗ, МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНАДА ТАРАҚҚИЙ
ЭТТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР.**

Президент Шавкат Мирзиёев

**«...1992 йил 8 декабрда қабул қилинган
Конституциямиз Ўзбекистон тарихида, узоқ,
давомли мақсад ва вазифаларимизни аниқ
белгилаб беришда ўзининг пухта ўйланган
тамойил ва қоидалари билан ишончли ва ҳал
қилувчи омил бўлди, деб таъкидлашга барча-
барча асосларимиз бор».**


КОНСТИТУЦИЯ НИМА?



Конституция (лот. **Constitution** – тузилиш, тузук) – давлатнинг асосий қонуни. У давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, суд тизимини белгилаб беради.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиш зарурати



**Мустақил давлат Конституцияси
дунёга келишига асосан иккита
омил сабаб бўлди:**

**Жамиятнинг бозор муносабатлари томон тутган
йўли, янги таракқиётдаги умумий қонуниятлар
ва йўналишларга мувофиқ равишда
Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб
бориши.**

**Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон
қилиниши.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Республиканинг янги Конституциясини ишлаб-чиқиш зурурлиги тўғрисидаги ғоя XII чақириқ Олий Кенгашнинг 1990 йил мартида бўлиб ўтган биринчи сессиясидаёқ янграган эди.

Олий Кенгашнинг 1990 йил июнда бўлиб ўтган иккинчи сессияси республика Президенти И.А.Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституциявий комиссия ташкил этилди. Комиссия таркибига вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари, хўжаликлар, корхоналарнинг раҳбарлари, давлат ва жамоат идоралари раҳбарлари, олимлар ва халқ хўжалиги мутахассислари кирди.


1991 йил 12 апрелда Ислом Каримов бошчилигида Конституция комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Конституция лойиҳасини ишлаб чиқишга тайёргарлик соҳасидаги бутун ишни марказлаштириб туриш мақсадида Конституциявий комиссия аъзоларидан ҳамда таниқли олимлар ва мутахиссислардан 32 кишидан иборат ишчи гуруҳи тузилди.

Унинг таркибига Олий Кенгашнинг қатор қўмиталари, вазирликлар, прокуратура, суд органларининг раҳбарлари, олимлар, Республика Президенти девони ва Олий Кенгаш идорасининг масъул ходимлари кирдилар.

*Конституция лойиҳаси икки мартаба
умумхалқ муҳокамасига қўйилди.*

**1992 йил
26
сентябрь**

**1992 йил
21
ноябрь**



**Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
ўн иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида
1992 йил 8 декабрда қабул қилинган.**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Муқаддима, 6 та бўлим, 26 та боб, 128 та моддаларни ўз ичига олади.

Муқаддима

Асосий принциплар

**Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари,
эркинликлари ва бурчлари**

Жамият ва шахс

Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши

Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши

Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби

Конституцияга киритилган ўзгаришлар солномаси:

1993 йил 28 декабрь

2003 йил 24 апрель

2007 йил 11 апрель

2008 йил 25 декабрь

2011 йил 18 апрель

2011 йил 12 декабрь

2014 йил 16 апрель

2017 йил 6 апрель, ва 31 май

2017 йил 29 август.


Ўзбекистон Республикаси Конституцияга 1992 йил 8 декабрдан буён, яъни 26 йил ичида **ўн мартаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган:**

Парламент ислоҳоти - 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум натижаларига асосланди.

Конституциянинг 30 та моддаси, 6 та боби ва 2 та бўлимига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

2007 йилда сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтириш мақсадида Конституциянинг 89-моддаси, 93-модданинг 15-банди, 102-модданинг иккинчи қисмига ўзгартишлар киритилган.

Кейинги ўзгартириш 2008 йилда 77-моддага киритилган бўлиб, у сайловларга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ эди.



Ислом Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишида эълон қилинган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” бўйича Конституциянинг 78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига 2011 йил 18 апрелда эълон қилинган Конституциявий Қонун асосида ўзгартириш киритилган.



2011 йилнинг 12 декабрида Конституциянинг 90-модданинг 2-қисмидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати етти йилдан беш йилга камайтирилган.

Конституциямизга 2014 йилнинг 16 апрелида тузатиш киритилган бўлиб, бунда 32, 78, 93, 98, 103 ва 117 - моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.





2017 йилнинг 6 апрелида Конституциянинг 80, 81, 83, 93, 107, 110, 111-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

2017 йилнинг 31 майида Конституциянинг 80, 93, 108, 109-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Конституциямизга охириги тузатиш 2017 йилнинг 29 августида киритилган бўлиб, бунда 99, 102 - моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА БЕЛГИЛАНГАН ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ



**Ўзбекистон Республикаси
Конституциянинг 45-моддаси.
“Вояга етмаганлар лаёқатсизлар
ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари
давлат ҳимоясидадир”.**



**Мазкур конституциявий
модданинг моҳияти ҳам
давлатнинг ўз ёшлари
хақида ҳамиша
қайғуришини англатади.**

**Ўзбекистон
Республикасининг “Вояга
етмаганлар ўртасида
назоратсизлик ва
ҳуқуқбузарликларнинг
профилактикаси
тўғрисида”ги Қонун**

**Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг 2010
йил 26 ноябрдаги қарори билан
“Ички ишлар органларининг
вояга етмаганларга ижтимоий-
ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш
марказлари тўғрисида”ги
Низоми**



Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Конституцияси 64-модда**




Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари лозимлиги ҳам Конституциямизнинг 66-моддасида мустаҳкамланган. Улар ўз ота-оналарига моддий-маънавий ёрдам беришга ҳамда кўмаклашишга мажбурдирлар.

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.


**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг
41-моддаси**






“Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир, уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир”.

И.Каримов



Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.



**Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 50-моддаси**

“Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуг” деган ғоя асосида катта ишлар амалга оширилди. Бу ишлар Конституциямизнинг асосий тамойилларини рўёбга чиқаришда яна бир улкан қадам бўлди.

Мана шу ўтган чорак аср давомида мамлакатимиздаги туб ислохот ва ўзгаришларнинг барчаси Конституциямиз асосида амалга оширилмоқда. Бу эса унинг ҳақиқатан ҳам халқимиз манфаатларига, давлатимизнинг стратегик мақсадларига тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама пухта ишланган муҳим сиёсий ҳужжат эканидан далолат беради.


Бу билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди, албатта. Айни пайтда биз Асосий қонунимиз талабларини тўлиқ амалга ошириш борасида ҳали олдимизда улкан вазифалар турганини яхши тушунамиз. Яъни, халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Энг аввало, одамларимиз ислохотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур.





2017-2021 ЙИЛЛАРДА
ҲАРАКАТЛАР
СТРАТЕГИЯСИ

- - **I. Давлат ва жамият қурилиш тизимини такомиллаштириш**
(**Мовий хаворанг** – осмон ва тоза сув рамзи, буюк Амир Темур давлатининг байроғининг ранги)
 - - **II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш**
(**Сиёҳранг** – қонунийлик элементлари ҳисобланган устуворлик ва ор-номуслилик рамзи)
 - **III. Иқтисодиётни ривожлантириш ва эркинлаштириш**
(**Тилларанг** – иқтисодиётни ривожлантириш элементлари ҳисобланган куч-қудрат ва бойлик рамзи,)
 - - **IV. Ижтимоий соҳани ривожлантириш**
(**Қизил ранг** – ҳаёт ва аҳолининг муносиб турмуш тарзини таъминлаш рамзи)
 - - **V. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат**
(**Оқ ранг** – тинчликсеварлик сиёсати элементлари ҳисобланган тинчлик ва софлик рамзи)
-
- 

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларида тутган ўрни ва роли



«Конституция ва қонун устуворлиги ҳамда қонунийлик таъминларининг сўзсиз таъминланиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатидир. Биз бу фикрни янада теран англаб олишимиз керак.

Шу нуқтаи назардан, **Конституция ҳамда қонун талабларига оғишмай амал қилиш маънавий савиямиз, маданиятимизнинг асосий мезонига айланиши шарт.**

Биз жаҳон ҳамжамияти билан яқин ҳамкорликни изчил давом эттиришни ўз олдимизга қўйган улуғ мақсадларга етишнинг энг муҳим омили, деб биламиз. Шу мақсадда дунёдаги барча узоқ-яқин давлатлар, биринчи навбатда қўшни мамлакатлар билан самарали алоқаларимизни янада кучайтирамиз.

Бугун биз жонажон Ватанимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб чиқишдек юксак мақсад йўлида кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз».

Шавкат Мирзиёев

Концепцияда кўрсатилган мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, гуманитар ҳаётига оид энг муҳим устувор йўналишлар:

- 1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш.**
- 2. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш.**
- 3. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш.**
- 4. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш.**
- 5. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш.**
- 6. Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.**

Ҳаётимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг туб мазмун-моҳияти

Биринчидан

- мамлакатимизда замонавий демократик жамият қарор топаётгани ва изчил ривожланаётгани;
- иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсаётгани;
- Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётганидан дарак беради.
- Энг муҳими, Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши учун барча имкониятлар яратилди.

Иккинчидан

- Мамлакатимиз Конституциясида белгилаб қўйилган стратегик мақсад ва вазифалар сари тадрижий, босқичма-босқич ва изчил илгарилаб бориш нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб берди.

Учинчидан

- Халқимизнинг мардлиги ва матонати, жонқуярлиги ва қатъияти, одамларимизнинг беқиёс меҳнати улкан ютуқ ва натижаларга эришиш имконини берди.

«2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»

1. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш (Осмон ва тоза сув рамзи, буюк Амир Темур давлат байроғининг ранги) **Хаво ранг**

2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш. Қонунийлиқ элементлари ҳисобланган устуворлик ва ор-номуслиқ рамзи **Смёҳ ранг**

3. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш Иқтисодиётни ривожлантириш элементлари ҳисобланган куч қудрат ва бойлик рамзи **Тилло ранг**

4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш Ҳаёт ва аҳолининг муносиб турмуш тарзини таъминлаш рамзи **Қизил ранг**

5. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, ўзаро манфаатли ташқи сиёсат юритиш. Оқ ранг тинчлик севарлик сиёсати элементлари ҳисобланган тинчлик ва софлик рамзи

Озиқ-овқат, экология ва сув, энергия, ахборот ва сифат хафсизлиги!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ КОНГРЕССИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 ноябрь куни конгрессмен Трент Келли бошчилигидаги АҚШ Конгресси делегациясини қабул қилди. Давлатимиз раҳбари таркибида АҚШ Вакиллар палатаси аъзолари Висенте Гонсалес, Рональд Эстес, Рожер Маршалл ва Женнифер Гонсалес Колон ҳам бўлган делегацияни самимий қутлар экан, конгрессменларни АҚШ парламентида оралиқ сайловнинг муваффақиятли ўтгани билан табриклади. Кейинги йилларда кўп қиррали Ўзбекистон – АҚШ ҳамкорлиги жадал ривожланиб бораётгани чуқур мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил май ойида Вашингтонда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб бергани таъкидланди. Турли йўналишлар бўйича икки томонлама алоқалар фаоллашди, конструктив сиёсий мулоқот йўлга қўйилди, парламентлараро алмашувлар, шунингдек, маданий-гуманитар ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик кенгаймоқда. Савдо-иқтисодий соҳада биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан ўзаро савдо ҳажмини ошириш, Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилишга етакчи АҚШ компанияларининг тўғридан-тўғри инвестициялари ва технологияларини жалб этиш борасида аниқ манзилли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йил бошидан буён ўтган даврнинг ўзида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробар ортди, мамлакатимизда АҚШ капитали иштирокида 25 дан зиёд янги корхона ташкил этилди. Октябрь ойида мамлакатимизда АҚШ савдо вазири Уилбур Росс бошчилигидаги нуфузли делегация иштирокида биринчи марта Америка бизнеси ҳафталигининг ишбилармонлик тадбирлари ўтказилди. Давлатимиз раҳбари АҚШ Вакиллар палатасида конгрессменлар Т.Келли ва В.Гонсалес раҳбарлигида «Ўзбекистон бўйича кокус» ташкил этилганини мамнуният билан қайд этди. Ушбу механизм ҳар томонлама муносабатларни кенгайтириш ва аниқ иқтисодий лойиҳаларни илгари суришда самарали омил бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирилди. Учрашувда икки томонлама муносабатларга доир, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди. Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик учун қулай шароитлар яратиш ҳамда бу борадаги қўшма лойиҳаларни, аввало, ҳудудлараро даражада қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Конгрессменлар давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилаётган ҳамда барча соҳа ва йўналишларни қамраб олган ислоҳот ва янгиланишларга юксак баҳо берди. Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни кенгайтиришга фаол қўмаклашишга тайёрлик таъкидланди.

НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь куни нефть-газ саноатидаги ишлар ҳолатини муҳокама қилиш ва соҳани янада ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Нефть-газ саноати мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу соҳа нафақат энергия ишлаб чиқаради, балки кўплаб тармоқлар учун зарур бўлган полимерлар, органик кимёвий моддалар ҳамда азотли минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда асосий хомашё базаси ҳисобланади. Кейинги икки йилда соҳада амалга оширилган ислохотлар натижасида газ қазиб чиқариш ҳажми 10 фоизга ортди, аҳолига табиий газ 15 фоиз ва суюлтирилган газ 1,6 баробар кўп етказиб берилди. Шу даврда нефтни қайта ишлаш заводларида кўшимча 204 минг тонна нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ички бозорда бензин, дизель ёқилғисига бўлган талаб қондириб келинмоқда. Шўртан ва Устюрт газ-кимё мажмуаларида жорий йилнинг ўзида газга нисбатан кўшилган қиймати 4 баробар кўп бўлган қарийб 700 миллион долларлик полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқарилади. Нефть-газ соҳасини янада ривожлантириш мақсадида 2030 йилгача геология-қидирув ишлари олиб бориш, углеводородларни қазиб чиқариш ва чуқур қайта ишлаш бўйича умумий қиймати 36,5 миллиард долларлик 30 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш белгиланган. Углеводородлар захирасини кўпайтириш бўйича аниқ чоралар кўрилмаса, яқин 10-15 йилда мавжуд захира 2

Шу боис, йиғилишда “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти раҳбариятига геология-қидирув ишлари ва қазиб олиш ҳажмини ошириш, конларни модернизация қилиш ва янгиларини очиш, нефть-газ хомашёсини чуқур қайта ишлаш, инвестицияларни кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди. Жаҳон тажрибаси асосида бу ишларга инвесторларни кенгроқ жалб этиш, давлат ва инвесторлар манфаатини ҳимоя қилишни таъминлайдиган янги механизмлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, 2017-2021 йилларда углеводород хомашёсини қазиб олиш дастурининг иккинчи босқичини амалга ошириш ва уни молиялаштириш бўйича жорий йил якунига қадар таклифлар киритиш топширилди. Магистрал газ қувурлари ва газ тақсимот тизимининг асосий қисми таъмирталаб ҳолга келган. Келажакда истеъмолчиларни қафолатланган табиий газ билан таъминлаш мақсадида магистрал газ транспорт тизимини модернизация қилиш ҳамда газ оқимини бошқариш (SCADA) тизимини жорий этиш бўйича 1,6 миллиард долларлик лойиҳа амалга оширилади. Бундан ташқари, газ тақсимот тизимини модернизация қилиш, газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини жорий этиш лойиҳаларига хорижий инвестиция ва кредитларни жалб этиш бўйича топшириқлар берилди. Бугунги кунда табиий газнинг атиги 2 фоизи чуқур қайта ишланиб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар олинаётган бўлса, келгуси 10 йилда бу кўрсаткични 7 баробар ошириш имконияти бор. Шунинг учун “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти нефть ва газ кимёси йўналишига устувор аҳамият қаратиши зарурлиги таъкидланди.

Жумладан, ароматик углеводородлар (бензол, толуол, ксилол), метанолдан олефин олиш технологияси асосида янги маҳсулотлар – полистирол, полиэтилентерефталат ва синтетик каучуклар ишлаб чиқариш, полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконияти мавжуд. Ушбу лойиҳаларни амалга оширишга 9 миллиард доллар атрофида маблағ жалб қилиниши лозим. Шунинг учун Европа мамлакатлари, Япония, АҚШ, Бирлашган Араб Амирликларидаги йирик компанияларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш ва лойиҳаларни амалга ошириш стратегияси ишлаб чиқилади. Йиғилишда “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти бошқарув тизими мураккаб ва кўп поғонали бўлгани сабабли соҳада ислохотлар амалга оширилиши суст кечаётгани танқид қилинди. Бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, тармоққа оид бўлмаган ташкилотларни тизимдан чиқариш бўйича кўрсатмалар берилди. Хусусан, функциялари бир-бирини такрорлайдиган бошқарув бўғинларини қисқартириш, тармоқдаги сервис корхоналари ҳамда ёрдамчи ишлаб чиқаришларни давлат-хусусий шериклик асосида инвесторларга бериш кераклиги таъкидланди. Соҳада мавжуд тўртта илмий-тадқиқот, изланиш ва лойиҳалаштириш институтлари негизида миллий нефть-газ илмий-тадқиқот институтини ташкил этиб, углеводородларни чуқур қайта ишлаш бўйича инновацион ечимлар топиш ва татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратиш вазифаси қўйилди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 ноябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг Женева шаҳридаги бўлинмаси бош директори Майкл Мёллерни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Самарқандда ўтказиладиган Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Осиё форуми тадбирларида иштирок этиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг нуфузли делегацияси ташрифи Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик изчил мустаҳкамланиб бораётганининг яна бир тасдиғи эканини мамнуният билан таъкидлади. Ўзаро алоқа ва ташрифлар сезиларли фаоллашгани мамлакатимизнинг Ташкилот тузилма ва институтлари билан конструктив мулоқотни йўлга қўйиш ҳамда Барқарор тараққиёт мақсадларига эришишга қаратилган самарали ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилгани қайд этилди. Бугунги кунда мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНЕСКО, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ва БМТнинг бошқа муассасалари билан амалий ҳамкорликни ривожлантиришга доир қатор дастурий ҳужжатлар ва “йўл харита”лари қабул қилинган ва биргаликда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан жорий йил июнь ойида биринчи марта БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш масалалари бўйича махсус резолюцияси қабул қилингани ҳамда унинг халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватлангани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида халқаро конвенцияси ва Бош Ассамблеянинг “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли резолюциясини қабул қилиш бўйича ташаббусларини илгари суриш йўлида биргаликдаги ишлар давом эттирилмоқда. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг икки томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди. Орол экологик фожиаси оқибатларини, жумладан, Оролбўйида ижтимоий-иқтисодий, гуманитар дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш орқали юмшатишда жаҳон ҳамжамияти саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистоннинг БМТ шафелигида махсус Траст жамғармасини ташкил этиш бўйича ташаббусини рўёбга чиқариш бу борада катта амалий қадам бўлади. Жорий йил 27 ноябрь куни Ташкилотнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида ушбу тузилманинг юқори даражадаги биринчи тадбири бўлиб ўтади. Томонлар, шунингдек, минтақамиз ва унинг ташқарисида тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили бўлган Афғонистондаги вазиятни

БМТ Бош котиби ўринбосари Майкл Мёллер давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ташкилот Бош котиби Антониу Гутерришнинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди. Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилаётган, аввало, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳот ва янгиланишларга юксак баҳо берди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўз мазмун-моҳиятига кўра, БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Барқарор тараққиёт соҳасидаги мақсад ва вазифаларига ҳамоҳанг экани алоҳида таъкидланди. Майкл Мёллер Ташкилот Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ишонч, яхши кўшничилик ва конструктив шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, минтақада барқарор тараққиётга кўмаклашиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини тўла қўллаб-қувватлашини таъкидлади. БМТ Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни, жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда ўтказилаётган Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Осиё форуми натижалари доирасида янада мустаҳкамлашга тайёр экани қайд этилди.

БМТ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРЧА ИСЛОҲОТ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР ДАСТУРЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг Женева шаҳридаги бўлинмаси бош директори Майкл Мёллер Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувдан сўнг ЎЗА мухбирига мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳақидаги фикрларини билдирди. – Инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги барча чора-тадбирлар долзарб ва бугунги куннинг бош мавзусидир. Бу масалаларни ҳал этиш учун халқаро даражада Барқарор тараққиёт мақсадларини белгилаб олганимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ютуғидир. Ушбу кенг миқёсли дастурнинг мақсади замонамизнинг долзарб масалаларини ҳал этишга қаратилган. Шу маънода, биз Ўзбекистоннинг ҳам мамлакат даражасида, ҳам минтақавий ёндашув доирасида амалга ошираётган ташаббусларини қизғин қўллаб-қувватлаймиз. Биз Ўзбекистонда Барқарор тараққиёт мақсадларини рўёбга чиқаришда кўмаклашишга интиламиз. Бунинг натижаси янгидан ишлаб чиқиляётган “йўл харитаси”да акс эттирилиши керак. БМТ Ўзбекистонда барча ислоҳотлар, янгиланишлар ва дастурларни амалга оширишга тўлиқ тайёр эканини билдиради. Албатта, юртингизда рўёбга чиқариляётган кенг кўламли ўзгаришларни ўрганиш, нафақат ўрганиш, балки Ўзбекистоннинг ижобий тажрибаси сифатида бошқа мамлакатлар ўртасида оммалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Президент Шавкат Мирзиёев билан, шунингдек, мамлакатингизнинг қатор ташкилотларида ўтказилган музокаралар самарали бўлгани буни яна бир қарра тасдиқлайди. Самарқандда илк бор ташкил этиляётган Осиё форуми Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишлангани билан аҳамиятли. Ушбу форум Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш, уларни лозим даражада рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш нақадар муҳим эканини теран тушунишини яққол ифодалайди. Форум нафақат мамлакат, балки минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга. Ушбу муҳим тадбир Ўзбекистонда ўтказиляётганини биз қадрлаймиз ва тўла қўллаб-қувватлаймиз. Мамлакатингиз раҳбарияти ҳуқуқ ва эркинликларни лозим даражада таъминлаш бўйича изчил ишларни давом эттиряётгани ҳам бундан далолат беради. Ўйлаймизки, бу Ўзбекистонда давлат ва жамиятни модернизация қилиш доирасида амалга ошириляётган тизимли ислоҳотларнинг мантиқий давомидир. Жаҳонда ҳукм сураётган бугунги таҳликали шароитда ушбу юқори даражадаги форумнинг ўтказилиши нафақат Ўзбекистон, балки халқаро ҳамжамият учун ҳам муҳим

БАНК ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 22 ноябрь куни банк тизимини ислоҳ қилиш ва банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳудудлар ва тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банклари ролини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Кредит ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда зарур манба ҳисобланади. Бўш маблағларни жалб қилиб, уларни кредит сифатида тадбиркор ва инвесторларга тақдим этадиган тижорат банклари иқтисодий жараёнларда муҳим ўрин тутади. Бу борада кўрилган тизимли чоралар натижасида охириги икки йилда банклар томонидан инвестиция лойиҳаларини кредитлаш қўлами сезиларли даражада кенгайиб, кредит портфели ҳажми 3,2 баробар ошди. Ҳудудларни ривожлантириш дастурлари доирасида 6 минг 400 та лойиҳа учун 27 триллион сўмлик кредит ажратилди. Йиғилишда банк тизимида ижобий натижалар билан бирга, қатор муаммолар ҳам борлиги қайд этилди. Жорий йилда Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига банк соҳаси бўйича 24 мингдан зиёд мурожаат бўлгани шундан далолат беради. Видеоселекторда муаммоли кредитлар масаласи муҳокама қилинди. Бундай кредитлар жами кредитларнинг 1,8 фоизидан кам бўлса-да, йил бошига нисбатан ошгани қайд қилинди. Ҳудудлар кесимида муаммоли кредитларнинг 76 фоизи Тошкент шаҳрига, 5 фоизи Қашқадарё, 3 фоизи Бухоро вилоятига тўғри келади. Шунингдек, ҳокимликлар ва тармоқлар томонидан айрим лойиҳалар пухта ишлаб чиқилмагани оқибатида бир қатор объектлар ўз вақтида ишга тушмагани ва кредитлар қайтиши чўзилаётгани кўрсатиб ўтилди. Жумладан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида ва Қорақалпоғистон

Уй-жой фондини таъмирлаш ва турар жой биноларини барпо этишга қайтариш манбалари ва имкониятлари тўлиқ ўрганилмасдан кредит ажратилиши натижасида умидсиз қарзлар кўпаймоқда. Масалан, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бўйича катта миқдорда муаммоли кредитлар мавжуд. Улардан энг кўпи – Тошкент шаҳрида 32 миллиард сўм, Қашқадарё вилоятида 27 миллиард сўм, Андижон вилоятида қарийб 20 миллиард сўм ва Бухоро вилоятида 14 миллиард сўмдир. Давлатимиз раҳбари муаммоли кредитларни қайтариш банкларнинг имкониятларини янада кенгайтиришини, уларни ундириш бўйича банклар, қарздор корхоналар, компания ва уюшмалар, ҳудудлар раҳбарлари биргаликда иш олиб бориши зарурлигини таъкидлади. Банкларнинг кредит учун ресурслар жамлашдаги фаоллиги ҳам етарли эмас. Аҳоли ва юридик шахсларнинг бўш маблағларини банк депозитларига, биринчи навбатда, муддатли ва жамғариб бориладиган депозитларга жалб қилиш банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш имконини беради. Президентимиз тижорат банклари томонидан халқаро молия институтлари кредит линияларини янада кўпроқ жалб этиш ва уларни тўлиқ ўзлаштиришни фаоллаштириш лозимлигини қайд этди. Тижорат банклари устав капитали асосан давлат улуши ҳисобига оширилиб, хусусий сектор маблағлари деярли йўналтирилмагани жиддий танқид қилинди.

Ўтган икки йилда давлат томонидан банкларнинг капиталига қарийб 1 миллиард доллар миқдорида маблағлар ажратилган. Кўрилаётган чоратадбирларга қарамасдан давлат улушига эга деярли барча банклар, жумладан, “Қишлоқ қурилиш банк”, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Асака” банк, “Агробанк”, “Микрокредитбанк”, “Алоқабанк” ва “Ипотека-банк” устав капиталида жисмоний ва юридик шахсларнинг акциялари улуши кескин камайган. Шунинг учун хусусий сектор маблағларини банкларнинг устав капиталига фаол жалб этиш кераклиги таъкидланди. Йиғилишда тижорат банкларининг кузатув кенгашлари банкларнинг стратегик ривожланиш йўналишларини белгилаш ва фаолиятини яхшилаш бўйича кутилганидек ишламаётганига эътибор қаратилиб, Марказий банк, Иқтисодиёт вазирлиги давлат тасарруфидаги банкларнинг кузатув кенгашлари фаолиятини танқидий ўрганган ҳолда, улар таркибини тубдан қайта кўриб чиқиши ва самарадорлигини ошириши бўйича кўрсатма берилди. Мамлакатимиз молия муассасалари фаолиятини такомиллаштириш учун хориждан юқори малакали мутахассисларни жалб этиш вазифаси қўйилди. Давлатимиз раҳбари тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида микрокредитлар ҳажмини кескин ошириш, уларни ажратиш тартибини соддалаштириш зарурлигини таъкидлади. Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар

“НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ” ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ ВА НАВОИЙ ШАҲРИ АҲЛИГА

Азиз дўстлар! Сизларни Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳри ташкил этилганининг 60 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Ўтган тарихан қисқа даврда минг-минглаб ишчи ва мутахассисларнинг фидокорона меҳнати туфайли Қизилқум саҳросида ривожланган ишлаб чиқариш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмасини ўзида мужассам этган, нафақат юртимиз, балки чет элларда ҳам машҳур бўлган замонавий ишлаб чиқариш мажмуаси қад ростлади. Комбинатнинг қурилиши ҳудуддаги мамлакатимиз иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга улкан минерал бойликларнинг кенг миқёсда ўзлаштирилишини бошлаб берди. Таъкидлаш жоизки, 60 йил муқаддам бу заминда мазкур саноат мажмуаси негизида бунёд этилган, буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий номи билан аталган мамлакатимизнинг энг кўркам ва замонавий шаҳарларидан бири – Навоий шаҳри ҳам бугун ўз юбилейини нишонламоқда. Кон бошқармалари ва йирик саноат объектлари негизида Учқудук, Зарафшон, Нуробод, Заркент ва Маржонбулоқ шаҳарлари барпо этилди. Замонавий шаҳарсозликнинг ёрқин намуналари бўлган ушбу масканлар йил сайин обод бўлиб, ҳар томонлама раванқ топмоқда. Ҳудудда янги корхоналар қурилмоқда, жаҳон андозалари даражасидаги технологияларга асосланган ишлаб чиқариш қувватлари кенгаймоқда. Етакчи хорижий компаниялар билан ҳамкорлик алоқалари

Бугунги кунда ўзбек олтинининг юқори сифати бутун дунёда эътироф этилгани, мамлакатимиз олтин-валюта захиралари ортиб, иқтисодий салоҳияти юксалиб бораётганида ҳам иқтисодиётимиз локомотиви бўлмиш Навоий кон-металлургия комбинатининг кўп миллатли меҳнат жамоасининг хизматлари беқиёс. Олтин, уран, нодир металллар, фосфорит хомашёси конларини ўзлаштириш билан бирга комбинат қурилиш ва дастгоҳсозлик саноати учун кенг турдаги маҳсулотлар, шунингдек, халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқараётгани қувонарлидир. Гигант корхонанинг кўпминг кишилик жамоаси кейинги йилларда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бутун мамлакатимизни тубдан ислоҳ этиш ва модернизация қилишда фаол иштирок этаётгани таҳсинга сазовор. Давлатимиз томонидан Навоий кон-металлургия комбинатини ҳар томонлама ривожлантиришга биринчи даражали вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, НКМКни 2026 йилгача ривожлантириш дастури доирасида умумий қиймати 3 миллиард доллардан зиёд қарийб 30 га яқин йирик инвестиция лойиҳаси босқичма-босқич амалга оширилиб, 30 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилади. Бу йўналишда ҳозирнинг ўзида кўп ишлар қилинмоқда. Жумладан, “Ауминзо-Амантой” олтин руда конини ўзлаштириш ва унинг асосида гидрометаллургия заводини барпо этиш, техноген чиқиндиларни қайта ишлаш мажмуасини қуриш, “Мурунтов” карьерини ўзлаштириш ишлари жадал суръат билан давом эттирилмоқда. Комбинат негизида ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар академиясининг Навоий филиали ҳудуднинг инновацион ва технологик

Мамлакатимизда стратегик ислоҳотларнинг янги босқичи бошланган бугунги кунда бутун халқимиз, жумладан, комбинат жамоаси ва Навоий шаҳри аҳолиси олдида ғоят муҳим вазифалар турибди. Хусусан, бу ерда қатор янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни яратишимиз, рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришимиз, ҳудуднинг улкан табиий, ишлаб чиқариш, меҳнат ва интеллектуал салоҳиятини янада тўлиқ рўёбга чиқаришимиз лозим. Навоий кон-металлургия комбинатининг юксак профессионал малакали аҳил ва истеъдодли жамоаси ҳамда бой тажриба ва маҳоратга эга, юртимиз ва халқимизга содиқ Навоий шаҳри аҳли ана шундай кенг миқёсли вазифаларни муваффақиятли адо этишига ишонаман.

Сиз, азизларга, мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, Ватанимиз фаровонлиги йўлидаги бунёдкорона меҳнатингизда янги зафарлар тилайман.

**Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

ЭЪТИБОРИНГИ

3 учун

РАХМАТ!

